ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 174 (10.479) / 2005 ЙИЛ 2 СЕНТЯБРЬ

МУСТАҚИЛЛИК • INDEPENDENCE • НЕЗАВИСИМОСТЬ 14 O'ZBEKISTON

# ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ ШУКУҲИ

## МАМЛАКАТИМИЗ, ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БАРЧА ТУМАНЛАРИДА ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ








*Истиқлолнинг яна бир нурли тонги отди. Бу тонг одатдаги тонгларга сира ўхшамайди. Шафақ ёришиб, заррин қуёш ётоғидан аста бош кўтарди. Кўп ўтмай олам узра унинг мунаввар нурлари таралди. Бугун гулгун яшнаган Алишер Навоий номидаги Миллий боғ мисли келинчак янглиғ янада ҳусн очган. Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунининг асосий тантаналари шу ерда нишонланади. Шу муносабат билан бетакрор гўзаллик кашф этган Навоий ҳайкали, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси биноси ва Халқлар дўстлиги саройи оралиғидаги муҳташам томоша зали тантана қатнашчиларига ҳозиру нозир бўлиб турибди. Кун бўйи республикамиз ва шаҳримизнинг барча гўшаларида байрам кайфияти ҳукмронлик қилди.*

*Кечки оқшом тантана жойига ҳукумат раҳбарлари қатори фан, маданият, санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналарининг вакиллари ва узоқ-яқиндан келган меҳмонлар ташриф буюришди. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни зўр олқишлар билан кутиб оладилар. Байрам табригидан сўнг ранго-ранг шарлар самога кўтарилди. Ўзбекистонимизни мадҳ этувчи яллалар билан тантананинг бадиий қисми бошланди.*

*Биз эса хаёлан бугунги порлоқ кунларимиздан масрур бўлиб, Истиқлол туфайли ёруғ кунларга етишганимизга шукроналар айтамиз. Зеро, ўтган йилларда эришган ютуқларимизни санаб адоғига етиб бўлмайди. Бир сўз билан ифодаласак, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларнинг кўлами кенг ва самараси бисёр. Уларнинг барчаси кўз ўнгимизда, бирма-бир санаб ўтиришга ҳожат йўқ. Юртбошимиз байрам тантанасида сўзлаган нутқида айтганидек: «Бугун ҳаётимизнинг қайси жабҳа ва соҳасини олмайлик, эркинликка ва озодликка эришган, ўз ақл-заковати, билими ва куч-қудратига ишонган халқимиз ўзининг амалий ишлари билан қандай буюк марраларга кўтарилишга қодир эканини яққол исботлаб бермоқда».*

*Миллий боғда ўтган байрам дастури шунчаки томоша эмас. Бу улкан саҳнада миллатнинг ўтмиши, бугуни, келажаги, асрий орзулари бaралла куйланди. Ҳар бир куй, ҳар бир қўшиқда 14 йилда эришган ютуқларимиз мадҳ этилди.*

*Истиқлоли порлоқ юртнинг байрамлари фақат бир жойдагина эмас, балки мамлакат ва унинг пойтахтининг барча гўшаларида, вилоят ва туманларида давом этади, тантана қилинади. Шу анъанага биноан Миллий боғда бошланган тантана мустақил республикамиз бўйлаб кенг қулоч ёйди. Йиллари асрларга татигулик пойтахт шаҳримизнинг барча туманларида ҳам ушбу шодиёна мароқли кенг нишонланди. Сўлим ва хушманзара майдон ва хиёбонларда, маданият ва истироҳат боғларида, шунингдек, гузарларда давом этган байрам шукуҳи халқ сайилларига уланиб кетди.*

Давоми 2-3 бетларда.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИГА МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 14 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИДАН САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР КЕЛИШИ ДАВОМ ЭТМОКДА.**

• Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ҳаво кемалари Урганч ва Фарғона шаҳарларидан Москванинг «Домодедово» аэропортига тўғридан-тўғри рейсларни амалга ошира бошлади.

• Хоразм вилоятининг Хонқа туманида бунёд этилган 450 ўринли қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи биноси Шарқ ва Ғарб меъморчилиги анъаналарини ўзида мужассам этган. Ҳазорасп, Боғот, Янгиариқ, Хонқа, Урганч туманларида қад ростлаган замонавий тарзда жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари ҳам ҳудуд аҳолиси учун байрам тухфаси бўлди.

• Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида Фарғона Ҳалқа йўлининг Бўрбалиқ қишлоғини айланиб ўтадиган янги трассаси фойдаланишга топширилди. 7 километрлик йўлнинг равон бўлиши учун учта йирик кўприк, 852 погон метр узунликдаги қувурлар ўрнатилди.

• Олмалиқ шаҳрида 1990 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида футбол бўйича «Умид кубоги» учун ўтказилган мусобақада 10 та жамоа иштирок этди.

### Жаҳонда

• Европа Иттифоқи Болгарияни мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни жадаллаштириши лозимлиги тўғрисида огоҳлантирди. Акс ҳолда мамлакатнинг ЕИ таркибига кириши яна бир йилга сурилиши мумкин.

• АҚШнинг Флорида штатига катта зарар етказган Катрин довули Мексика кўрфази бўйларига етиб келди. Довул Луизиана ва Миссисипи штатларида улкан вайронагарчиликларни келтириб чиқарди. Хусусан, Янги Орлеан шаҳри бутунлай вайрон бўлиб, бу ердан аҳоли эвакуация қилинмоқда. АҚШ Президенти Жорж Буш ушбу довулни мамлакат тарихидаги энг улкан фалокатлардан бири сифатида баҳолади.

• Бугун Германиянинг Берлин шаҳрида маиший электрон техникасининг «IFA - 2005» йирик халқаро кўргазмаси очилди. Унинг 900 та экспозициясида жаҳондаги етакчи компанияларнинг энг сўнгги рақамли техника воситалари намойиш этилмоқда.

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

• **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** «Тошкент теннис маркази»да 5-10 сентябрь кунлари теннис бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтади. ЭРТАГА турнир олди саралаш ўйинлари ўтказилади.

• **БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги «Шуҳрат» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар ва Собир Раҳимов туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилган давра суҳбати «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деб номланди.

• **БУГУН «ОНИКС»** корхонасида Истиқлол айёмининг 14 йиллигига бағишланган тадбир уюштирилди.

• **ЭРТАГА** Юнусобод туманидаги «Кулолқўрғон» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорликларида «Айёмингиз муборак, азизлар» деб номланган байрам тадбири уюштирилади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

# АССАЛОМ, ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ !

**БУГУН**

**Мустақиллигимиз шодиёналари билан бир вақтда мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлари, коллеж, лицей ва мактабларда янги ўқув йили бошланди. Бир хил мактаб формасини кийган ўқувчиларнинг қалблари бир олам қувончга тўлган. Улар қадрдон мактаблари, меҳридарё устозлари ҳамда жонажон синфдошларини соғиниб мактаб томон ошиқмоқдалар. Айниқса биринчи синфга қадам қўйган жажжи ўғил-қизлар шодлигининг чеки йўқ. Бу йил режа бўйича шаҳримиздаги мактабларга 2005-2006 ўқув йилига 33 минг 297 нафар ўқувчи 1-синфга қабул қилинди.**

Барча мактаблар қатори Собир Раҳимов туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабида ҳам янги ўқув йили катта тантана билан бошланди. Мактаб ҳовлисига эрта тонгдан йиғилган ўқитувчи ва ўқувчилар, халқ таълими бўлими вакиллари, маҳалла фаоллари, ота-оналарнинг чеҳраларида мамнунлик, бахтиёрлик сезилиб турди. Йиғилишда мактаб директори Зулхумор Зокирова сўзга чиқиб ўқувчиларни Истиқлолимизнинг 14 йиллик байрами ҳамда янги ўқув йили билан қутлади. Ўқувчилар Ватан ва Мустақиллик ҳақида шеърлардан ёд олишди. Мактабнинг 11-синф ўқувчилари 1-синф ўқувчиларига эсдалик совғаларини улашдилар. Ўқувчилар ўқув йилини Мустақиллик дарси билан бошладилар.

— Янги ўқув йили мактабимиз жамоаси ҳамда ўқувчилар учун шодиёналик билан бошланди. Ҳаммамиз ўқув масканимизнинг янги замонавий мактаблар қаторидан ўрин олганидан ниҳоятда хурсандмиз, — дейди 1-ўрта мактаб директори Зулхумор Зокирова. — Зеро, мактаб биносининг тубдан таъмирланиб бутунлай янги қиёфага эга бўлиши учун ҳукуматимиз томонидан 152 миллион сўм, туман ҳокимлиги томонидан эса 25 миллион сўмлик маблағ ажратилди. Эндиликда ўқувчилар замон талаблари даражасидаги барча шарт-шароитларга эга бўлган ёруғ ва шинам мактаб биносида ўқув йилини бошлайдилар.

Дарҳақиқат, келажагимиз пойдевори бўлган ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш йўлида мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар ўз самараларини бериши шубҳасиз.

**Дилором ИКРОМОВА**



**СУРАТДА: Собир Раҳимов туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабида янги ўқув йили мана шундай бошланди.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

O'ZBEKISTON 14 МУСТАҚИЛЛИК • INDEPENDENCE • НЕЗАВИСИМОСТЬ

# ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ








Давоми. Боши 1-бетда.

## БЕКТЕМИР

Истиқлол шодиёналари Бектемир туманида ҳам зўр кўтаринкилик, юксак тараддуд руҳи билан кутиб олинди. Байрам тадбирлари 62 та ташкилот, корхона, муассаса ва маҳаллаларда ўзига хос тарзда нишонланди. Ушбу байрамда анъанага кўра кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, ёлғиз қолган фуқаролар ҳолидан хабар олиш сингари хайрли юмушлар амалга оширилди.

Мустақилликнинг 14 йиллигига бағишланган халқ сайли тумандаги Геннадий Красницкий номли стадионда бўлиб ўтди. Байрамона безатилган ўйингоҳнинг кираверишида карнай-сурнай садолари янграб барча бектемирликларни сайилга чорлади. Байрам иштирокчиларининг кўнгилли дам олишлари ва ҳордиқ чиқаришлари учун кўплаб савдо расталари хизмат кўрсатди.

Бу йилги қутлуғ айём Бектемир туманининг қиёфасини ўзгартириб юборди. Янги иншоотлар, ўқув муассасалари, маҳалла гузарлари қурилиб фойдаланишга топширилди. Юртнинг қувончи унинг куй-қўшиқларида ифода топади дейишади. Шу маънода байрам давомида янграган "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон" композицияси, "Хоразмча", "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" рақслари, "Гавҳар" фольклор-этнографик дастасининг "Наргиз", "Сўғдиёна", "Афсона", "Тарона" каби вокал-чолғу дасталарининг бадиий чиқишлари, шўх куй-қўшиқлари бунинг яққол исботи бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу йилги халқ сайилларида Кумуш Раззоқова, Маҳмуд Намозов, Ойпопук Эшонхонова, Иззатилла Иброҳимов, Нилуфар Раҳматова сингари таниқли эстрада хонандаларининг иштирок этиши байрам тантаналарига янада марок ва завқ бахш этди. Зотан, озод, бахтиёр, келажаги буюк халққа байрамлар ярашади.

## МИРЗО УЛУҒБЕК

Дилларимизни қувончу шодликка тўлдирган Энг улуғ ва энг азиз байрам - Мустақиллигимизнинг 14 йиллик шодиёналари мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида катта тантана билан нишонланмоқда.

Жумладан, пойтахтимизнинг энг файзли ва обод гўшаларидан саналган Мирзо Улуғбек туманида байрам шодиёналари Мирзо Улуғбек ёдгорлиги майдони ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида эрта тонгдан карнай-сурнай наволари билан бошланди. Шу куни туман аҳолиси қалблари бир олам қувонч ва фахр-ифтихор туйғуларига тўлган ҳолда кўтаринки руҳ билан байрам сайлида иштирок этишди. Айниқса, болажонларнинг чеҳрасида бахтиёрлик, чексиз қувонч,ёшларнинг эса шундай келажаги буюк юрт фарзанди эканликларидан фахрланиш туйғулари, кексаларнинг қалбини эса тинчлик, фаровонлик кунларига етганларига шукроналик қамраб олганди. Байрам тадбирларида миллий-маданий марказларнинг бадиий жамоалари ўз концерт дастурларини намойиш этиб барчанинг кўнглига завқ-шавқ улашишди. Шунингдек, тумандаги «Феруза», «Гулшан» ва «Юлдуз» маданият уйларининг бадиий ҳаваскорлари ижросидаги Мустақиллик, она-Ватанимизни мадҳ этувчи дилбар куй-қўшиқлар, жозибали рақслар ҳамда қизиқарли саҳна кўринишлари байрам тадбирига ўзгача шукуҳ бахш этди. Бундан ташқари ёшлар ўртасида футбол,волейбол, стол тенниси бўйича ўтказилган оммавий спорт мусобақалари, миллий ва анъанавий халқ ўйинлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Шу билан бирга байрам тадбирларида намойиш этилган турли хил кўргазмалар ҳам ҳамюртларимизнинг эътиборини ўзига тортди.

Шуни таъкидлаш жоизки,байрам шодиёналари тумандаги барча маҳаллаларда байрамона дастурхон атрофида баҳамжиҳатликда, куй-қўшиқлар остида нишонланди. Маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар, бемор ва ёлғиз қариялар, ногиронлар аҳволидан хабар олиниб, уларга туман ҳокимлиги ҳамда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими томонидан совғалар улашилди. Тумандаги кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчиларига боғдаги аттракционларга бепул чипталар тарқатилди.

## МИРОБОД

Туманда катта шодиёна —Мустақиллигимизнинг 14 йиллигини кексаю ёш кўтаринки кайфиятда кутиб олиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бир ҳафта мобайнида тумандаги маҳаллаларда карнай-сурнай садолари остида кезган агитбригада аҳолини байрам шодиёналарига чорлади.

Асосий сайил ва тантаналар Алишер Навоий номидаги академик Катта театри олди майдонида ҳамда тумандаги Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Ушбу масканлардаги безакларда шодиёна шукуҳи акс этиб турганлиги, шўх мусиқа садоларининг янграши йиғилганларга хуш кайфият бахш этиб, байрам кўтаринкилигини таъминлади.

Байрамнинг театрлаштирилган томошасида азиз юртимиз—мустақил Ўзбекистоннинг бугуни ва эртаси, шу кунга қадар эришган ютуқларимиз, миллий қадриятларимиз ва шарқона урф-одатларимиз эъзози, Ватанга садоқат туйғулари яққол акс этиб, унда иштирок этган туман маданият бошқармаси, 14-спорт мактаби, ҳарбий касб лицейи, мактаб ва болалар боғчалари бадиий ҳаваскорларининг чиқишлари барчага завқ улашди.

Шунингдек, эл севган хонандалар Шаҳнозабону, Феруза Примова, Умида Мирҳамидова, Фирдавс Пазлиддиновларнинг дилрабо қўшиқлари таралиб, байрам шавқини янада оширди. Курашчилар ва каратэ усталарининг томошалари, шахмат-шашка ва теннис мусобақалари ҳамда мактаб, болалар боғчаси моҳир қўллари томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмасини сайил иштирокчилари мириқиб томоша қилишди. Мусобақалар якунида эса ғолибларга боғ маъмурияти томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Сирасини айтганда, кўнгилларида эрк ва озодликни улуғлаб даврага қўшилган ҳар бир мирободлик "Мустақил юрт шахдам одимлар" деб номланган тантана композициясидаги Истиқлол руҳини, шодиёна кайфиятини, мустақиллик шукуҳини дилларга жо айлашди.

## СЕРГЕЛИ

Сергели тумани аҳолиси ҳам орзу-умидлар байрами — Мустақиллигимизнинг 14 йиллигини ишда, ўқишда, ободончилик юмушларида катта муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда кутиб олдилар. Ушбу туманда олиб борилаётган кенг кўламли бунёдкорлик, қурилиш ва иқтисодий ривожланишдаги кўрсаткичларнинг ўзиёқ улар меҳнатининг салмоғини кўрсатиб турибди.

Туман ҳудудига файз бағишлаб турган янги Сергели маданият ва истироҳат боғи байрам куни каттаю кичик, бобо-ю момолар, ёши улуғ, пиру бадавлат отахону онахонлар ва эртамиз давомчилари бўлмиш ёшлар билан гавжум бўлди. Эрталабдан ушбу сўлим гўшада карнай-сурнай садолари янграб узоқ-яқиндаги барчани байрам сайлига чорлади. Байрам шодиёнасини акс эттирувчи панноЛар, турфа ранг шар ва гуллар билан безатилган боғда шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармасининг бадиий ва профессионал жамоалари, туман маданият уйи ва 284-мактабнинг «Баҳор ғунчалари» номли ҳаваскорлик ансамблларининг хонандаю созандалари ижросида янграган дилбар қўшиқ, шўх тарона, чиройли рақслари барчага хуш кайфият улашди, турли аттракционларда болажонлар мазза қилиб учдилар.

— Улуғ ва азиз байрамимизнинг эсда қоларли ва чиройли ўтиши учун барча шароитлар яратилган, — дейди бир гуруҳ байрам иштирокчилари билан дилдан суҳбат қураётган туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Раҳимжонова. — Бугун нафақат боғимизда, балки туманимиздаги барча маҳаллаларда ҳам байрам тадбирларини ташкил этганмиз. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож, ногирон ёки хаста, байрамга кeлолмаганларнинг уйларига бориб йўқлади, кўнгилларини кўтариб, имкон борича хуш кайфият улашишга ҳаракат қилдик.

— Менинг ўғлим Шерзодбек мустақиллик тенгдоши, — дея суҳбатга қўшилди Сарвиноз Кенжаева. — Йил ўтган сари унинг бўйи ўсиб, ақли тиниқлашиб, ҳаётга тийрак кўз билан боқмоқда. Мустақиллигимизнинг 14 йилида бўлаётган ўзгаришларни ҳам мен шунга қиёс қиламан, эртамизнинг нурли кунига кундан кунга ишонч, ихлосим ортади. Туманимиз аҳолисини, халқимизни Олий Мажлис депутатлари, олимлар, шоир ва ёзувчилар, эл севган санъаткорлари табриклашмоқда, байрам қувончини бирга баҳам кўришмоқда. Ҳамиша тинчлигимиз, осойишталигимиз боқий бўлиб, юртимизни ёмон кўзлардан Оллоҳнинг ўзи асрасин.

## СОБИР РАҲИМОВ

Истиқлолимизнинг 14 йиллик шодиёналарига Собир Раҳимов туманида ҳам қизғин тайёргарлик кўришганлигини туманда янгидан бунёд этилган ва таниб бўлмас даражада чирой очган Абдулла Қодирий боғида ўтказилган байрам тантаналарида бўлганимизда яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Замонавий кўринишда барпо этилган ушбу боғ байрамона руҳда ранг-баранг шарлар билан безатилган бўлиб, боққа ташриф буюрган меҳмонлар учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Эрта тонгдан жажжи кичкинтойларимизнинг шўх-шодон кулгулари бутун боғни тўлдириб юборди. Ҳамшаҳарларимиз юз-кўзларида байрамона кайфият намоён. Туман аҳолиси бир-бирларини улуғ айём билан қучоқ очиб қутлашди. Ёшу кекса келган боғда дилтортар куй-қўшиқлар янграб, йиғилганларни шўх рақсларга чорлади. Туман маданият уйлари бадиий ҳаваскорлари боққа ташриф буюрган меҳмонларни ажойиб саҳна намойишлари билан хурсанд этишди. Байрамга келган болажонлар янги аттракционларда қувнаб учишди.

Бундан ташқари тумандаги "Оймомо" боғида ҳам байрам шодиёналари бўлиб ўтди. "Чиғатой-Оқтепа" маҳалласида эса байрамга бағишлаб республика шахматчилар мусобақаси ўтказилди.

— Шуни қувонч билан айтишимиз мумкинки, байрам арафасида туманимизда янги "Байтекс тижарет" хорижий тўқимачилик корхонаси ҳам ишга туширилган ва 800 га яқин маҳаллий ёшларимизнинг иш билан таъминлангани нур устига аъло нур бўлди, — дейди туманда истиқомат қилувчи Ҳамид Қориев.— Бир сўз билан айтадиган бўлсак, туманимиз аҳолиси бу йилги Мустақиллик байрамини янги барпо этилган боғда ўзгача байрамона кайфият билан кутиб олишди. Барча ҳамшаҳарларимиз ҳар кунгидан кўра ўзгача кайфиятда, ҳамма хурсанд ва шод.

## УЧТЕПА

Мустақилликнинг 14 йиллик шодиёнаси қувончли дамлар оғушида Учтепа туманида ўзгача руҳ, ўзгача тараддуд билан кутиб олинди. Аввало туман ҳокимлиги томонидан Энг азиз, энг мукаррам байрамни кутиб олиш, унга муносиб совғалар тайёрлаш борасидаги ишларнинг режаси тузиб олинди. Унга кўра Мустақиллик байрами арафасида тез ва қисқа фурсатлар ичида "Чевар" корхонаси ўз фаолиятини қайта тиклади, 56- оилавий поликлиника, Болалар спорт мажмуаси, "Бекобод" ва "Хондамир" маҳалла гузарлари фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга 52 та маҳалла ва тумандаги ташкилот ва муассасаларда байрам тадбирлари уюштирилди.

Мустақиллигимизнинг 14 йиллигига

# БАЙРАМ ШУКУҲИ







бағишланган халқ сайли тумандаги Акмал Икромов номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Байрамона безатилган боғ кўркига кўрк қўшилиб, ёшу кекса кўнглига хуш кайфият улашилди.

Саҳнада чорлов наволари янграйди. Барчанинг кўз ўнгида ўзининг нуроний сиймосини гавдалантириб Бобо-Буви ва Набиралар чиқиб келишади. Уларнинг шеърий айтишувларида юртнинг буюк истиқболи, Истиқлол ва эрк берган имкониятлардан баҳраманд бўлиб ўсаётган элнинг қувончлари тараннум этилади.

Турон она монологи ..... Юзу кўзларидан фарзандига меҳр-мурувватини ҳар қачонгидан сарзиёд этувчи мушфиқа аёл тимсоли шодиёна қатнашчиларида катта таассурот қолдирган аён. Онанинг ҳокисор, иддаолардан холи, фақатгина эл-юрт ғамини кўзлагувчи дил сўзлари тингловчиларнинг қалб тўридан жой олиб, кўнгилларни саркаш ҳисларга чулғади. Негаки, юртимизда аёл сиймоси ҳамиша эъзозланиб келади.

Саҳнага куч ва қудратнинг ўзига хос сиймосига айланиб улгурган Паҳлавон Маҳмуд чиқиб келади. Мумтоз наволар, юрт фарзандларини бунёдкорлик ва ободончилик ишларига чорловчи шеърий сатрлар ёшларнинг кўнглида буюк орзуларга шамчироқ бўлиб қолиши табиий албатта.

## ЧИЛОНЗОР

Чилонзорликлар кеча эрта тонгдан, озода, серфайз кўчалар, маҳалла гузарлари, истироҳат боғлари, майдонларда Энг улуғ ва энг азиз байрамимизни ўзгача завқ-шавқ ила қарши олдилар.

Мустақиллигимизнинг 14 йиллик байрами нашидаси, айниқса сўлим гўша — Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида миллий чолғуларимиз — карнай-сурнайларнинг ёқимли чорловидан бошланган маҳаллалар аҳлининг сайлида чиройли намоён бўлди.

— Мустақиллик ўзбек халқига ўз юртида қадр-қимматни, ўз маданияти ва анъаналарини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, — дейди туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Комилжон Алимов, — миллий ғурур ва тафаккур, Ватанга муҳаббат туйғуларининг камол топишига замин яратди.

Шу боис ҳам Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги шодиёналари файзиёб юртимизнинг заҳматкаш, қалби дарё халқини ўзгача шоду хуррамлик туйғуларига лиммо-лим қилганлиги ҳар қадамда акс этиб турибди.

Дарҳақиқат, алоҳида байрамона чирой очган, ҳамшаҳарларимиз билан ниҳоятда гавжум Ғафур Ғулом номидаги боғда жондан азиз болажонлар, кекса, табаррук отахону онахонларнинг мароқли дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шарт-шароитлар яратилганлиги боис ҳам эрталабдан оқшомгача шўхшодон кулгулар, дилтортар мусиқа, замонавий қўшиқлар янграб турди...

Шунингдек, Алишер Навоий номидаги Миллий боғдаги — кечагина Мустақиллигимизнинг шукуҳли 14 йиллиги тантана қилинган асосий саҳна мажмуасида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг халқ севган санъаткорлари байрам сайли қатнашчиларига қизиқарли, ранг-баранг концерт дастурларини намойиш қилиб, ҳамшаҳарларимиз ҳамда пойтахтимиз меҳмонларининг дилларига ором бағишладилар.

Шунингдек, Халқлар дўстлиги саройи атрофида, тумандаги тўртта ҳарбий қисм, учта Меҳрибонлик уйларида байрам тадбирлари уюшқоқлик билан ўтди. Тумандаги «Бўстон», «Тинчлик», «Хайробод», «Шарқ тонги», «Олмалиқ», Усмон Юсупов маҳаллаларида ҳам байрам файзли ва тароватли нишонланди. Аҳолининг мароқли дам олишида туман ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман Кенгаши, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда туман маданият бўлимлари жамоалари жонбозлик кўрсатганларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

## ШАЙХОНТОҲУР

Мустақиллик байрамининг нашъу навоси тумандаги ҳар бир хонадонга кириб борди, десак асло янглишмаган бўламиз. Эрталабданоқ ораста, гулу чечаклар қулф урган туманнинг турли гўшаларида байрам тилаклари акс этган, озод Ўзбекистон мадҳини тараннум этувчи паннолар, шиорлар, байроқлар ҳилпираб, карнай-сурнай наволари янграб барча-барчани байрам сайлига чорлади. Тумандаги Хадра майдони, Ибн Сино гузари олдидаги сўлим майдон меҳр тафти, эзгу тилаклар, болажонларнинг шўх шодон қийқириқларидан гўёки яшнаб кетди. Барчанинг юзида табассум, чеҳралар шодон, улуғ неъмат — Мустақилликнинг 14 йиллиги, тинч-омон ўтаётган осойишта кунларимизнинг бардавом бўлиши, эртамизнинг нурли, файзга тўлишини ният қилиб ушбу кунни нишонладилар. Ҳамшаҳарларга байрам кайфиятини улашишга аҳд қилган республика кўрик-танловлари ғолиблари, таниқли санъаткор ва хонандалар ижросида янграган шўх яллалар барча иштирокчиларни руҳлантириб, кўтаринкилик бахш этди.

— Байрам туманимиздаги 49 та маҳаллаларда ҳам муносиб нишонланди, — дейди «Ипакчи» маҳалласи хотин-қизлар комиссияси раиси Шоира Иноғомова ўз таассуротларини сўзлар экан. — Бизнинг маҳалламизда 6500 нафар аҳоли истиқомат қилади. Илғор, зиёли, фаол маҳалладошларимизнинг ҳаракатлари, меҳнатлари туфайли обрў-эътиборимиз, ишдаги эришаётган муваффақиятларимиз ортиб бормоқда. Байрам дастурхони ёзиб барчани таклиф қилдик, ногирон, кексаларнинг уйларига бориб йўқладик. Ушбу тадбиримиз шеърхонлик, мушоира кечасига айланиб барчаларимизни яхшилик, эзгулик сари бошлаган бўлса ажаб эмас.

## ЮНУСОБОД

Туман байрам шодиёналари Амир Темур хиёбони, Сайилгоҳ кўчасида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг профессионал санъаткорлари, туман маданият бўлимларининг бадиий ҳаваскорлари, халқ дасталарининг чиқишлари билан янада файзли, шукуҳли, тароватли ўтди.

Эрталаб соат 9 да бошланган байрам тантаналари кўркам, хушманзара Амир Темур хиёбони ҳамда ёшларнинг севимли маскани Сайилгоҳда жуда қизиқарли ташкил этилди, шунингдек, Тошкент ҳайвонот боғи, Хосият ая гузари ҳамда «Обод», «Посира», «Наврўз», «Қашқар», «Ўзбекистон мустақиллиги», «Фирдавсий маҳаллаларида жуда кўтаринки руҳда ўтказилди.

Шунингдек, Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида мазкур тумандаги 21, 31-Меҳрибонлик уйлари, Нуронийлар оромгоҳи, Қариялар уйида, ўксик қалбли болажонлар, ногирон, саломатлиги заиф ҳамда ёлғиз кексалар учун байрам дастурхонлари ёзилди ҳамда совға-саломлар улашиб, диллар хушнуд этилди.

Қувонарлиси, тумандаги 5 та маданият уйлари қошидаги бадиий жамоалар ҳамда халқ дасталари аъзолари ранг-баранг байрам дастурлари билан аҳолининг кайфиятини хушнуд айлаб, оламолам шодлик бағишлабгина қолмай, унумли меҳнат, ижодга руҳлантирдилар.

## ЯККАСАРОЙ

Орзиқиб кутилган Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз тантаналари Яккасарой тумани аҳолиси учун ҳам ўзгача шодиёналик билан бошланди. Тумандаги мавжуд маҳаллаларда бир неча кундан буён байрам тадбирлари ўтказилиб, туман ҳокимлиги ва «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими томонидан кам таъминланган оилалар, кексалар, беморлар,ногиронлар йўқланиб, уларга совғалар топширилди. Кеча тумандаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғига маҳаллалар фахрийлари, таниқли ёзувчи ва шоирлар, депутатлар, шунингдек шаҳримиздаги дипломатик корпус вакиллари ва ҳамюртларимиз ташриф буюрдилар.

Сўлим ва кўркам боғдаги мавжуд 5 та саҳнада 25 миллат вакиллари иштирокидаги миллий-маданий марказларнинг бадиий жамоалари, кўлдаги саҳнада эса таниқли санъаткорлар, шунингдек тумандаги Хуршид ва А.Авлоний номли маданият уйларининг бадиий ҳаваскорлари ўзларининг театрлаштирилган байрам дастурларини намойиш этиб, каттаю кичикнинг қалбига шодлик улашдилар. Мустақиллигимизни мадҳ этиб янграган дилкаш наволар, шўх яллалар ва лапарлар боғда кечгача давом этди. Айниқса ҳар хил спорт турлари бўйича ўтказилган мусобақалар, асфальтга расм чизиш ва шу каби қизиқарли танловларда ёшлар катта қизиқиш билан иштирок этишди. Шу билан бирга ташкил этилган ранг-баранг кўргазмалар ҳамшаҳарларимиз эътиборини ўзига тортди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, боғда «Мустақил юрт — шахдам одимлар» мавзусида еттита йўналишда дастур ташкил қилинди. Ушбу дастурлар «Болалар- орзулар қанотида», «Қадриятлар қадрин топган юрт», «Ўзбекистон ёшлари»,«Ҳеч кимдан кам эмасмиз» сингари мавзуларда севимли санъаткор ва хонандаларнинг чиқишлари билан янада қизиқарли ва мазмунли намойиш қилинди. Боғда ўтган Мустақиллигимизнинг байрам шодиёналари шу куни барчанинг кўнглига хуш кайфият бағишлади.

## ҲАМЗА

Ҳамзаликларнинг севимли масканлари саналмиш "Авиасозлар" маданият саройи ҳамда "Мусиқа олами" саройи туман аҳлига ажойиб байрам завқини улашди. Ушбу масканлардаги байрам сайилларининг кўнгилли ўтишини таъминлашга қаратилган эътибор самараси шунда кўриндики, шодиёнага йиғилганларнинг юзкўзларидаги қувонч, бир-бирларига дил изҳорлари, эзгу тилакларнинг кети узилмади.

Тантанани очган туман ҳокими Шуҳрат Абдуқодиров бугунги Энг азиз, энг улуғ байрам шукуҳи ҳақида алоҳида тўхталиб, унинг ҳар бир хонадонга хуш кайфият олиб келишини таъкидлади. Байрам сайиллари ўтказиладиган масканларда кишиларнинг кўнгилли дам олиш шарт-шароитлари таъминланди. Дилларига Истиқлол шукуҳини жо айлаб сайилга чиққан 53 та маҳаллада яшовчи ёшу кекса, айниқса жажжи болажонлар дилдан яйрашди. Чунки ташкил этилган савдо шохобчаларида миллий таомларимиздан тортиб, ширинлик-шакар пишириқлар, салқин ичимликлар, музқаймоқлар билан намунали хизмат ташкил этилди.

Албатта, тадбирга кўплаб санъаткорлар файз киритишганини айтиб ўтмоқ жоизки, халқимизда тўю томошалар, байрамлар ҳеч қачон дилтортар қўшиғу дилрабо рақсларсиз ўтмайди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Авазбек Олимов, хонанда Гули Асалхўжаеваларнинг хонишлари сайилга чиққанларнинг дилдан қувнаб ўйнашлари ҳамоҳанг бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шу куни байрам шукуҳи туманнинг барча маҳаллаларини қамраб олди. 13 та соғлиқни сақлаш муассасида ҳам шодиёна тадбирлари уюштирилди. Энг асосийси эса азалий анъаналаримизга содиқ қолган ҳолда ёлғиз, ногирон қариялар, ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. 63 та хонадонда бўлган фаоллар ана шу инсонларнинг қалбига ҳам қувонч, шам фахрланиш ҳиссини олиб кирдилар. Барча мустақилликнинг азиз неъмат эканлигини ҳис этди, десак асло муболаға бўлмайди. Бу нафақат Ҳамза туманининг гўзал маҳаллалари ва обод кўчаларида, балки аҳоли юз-кўзларида ҳам яққол аксини топди.

**(Ўз мухбирларимиз томонидан тайёрланди).**

**Ҳакимжон Солиҳов ва Наталья Семёнова олган суратлар.**



КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.
Юсуфжон қизиқ Шакаржонов.

# “ДУМБУЛ ПОЛВОН”

ҲАНГОМА

— Қани олинглар! Уфф, оби зам-зам ҳам шунчалик аччиқ бўладими? Қани, ошга, олға. Санлар ўзи нимани эпловдингки, одамга тузукроқ лақаб қўйиш қўлларингдан келса! Думбул полвон эмиш! Мени пўкак дейсанлар-да. Ҳов, қорнимнинг ўзи унча-мунча полвоннинг эсини оғдириб қўяди.

Яқинда мен билан Ҳаким кураш бўйича мусобақада қатнашадиган бўлиб қолдик. Кўнмасам: “Ҳеч ким санга чимпиён бўлишинг шарт, деяётгани йўқ. Шунчаки комбинат номидан бориб қатнашиб келасан” дейишди.

Қарасам, машқ учун ўн кун бекорчилигиям бор экан. Ке, йигитнинг бошига уч марта бахт қуши қўнаркан, биттаси шу бўлса ажабмас, деб ўйладим.

Ҳар куни девзирага ош есанг, ҳақиқий полвон бўласан, девдинг-а, ўшанда, Аҳмад косагул! Шу гап рост бўлса, анавидан яна битта қуйчи... Оҳ-оҳ... Комил домла, ошна боплабсиз-ку. Томоқдан иликдек ўтаяпти, маладес! Думба палов еб ҳали ҳеч ким кам бўлган эмас, девдинг-а, Нор бўрдоқи? Ҳей, шу ҳақ гап экан.

Хулласи десанг, бугун эрталаб туманга бордик. Мусобақасиям бошланди. Стадионнинг чеккасидаги запасной футболчидек Ҳаким икковимиз майкатурсида ўтирибмиз. Дастлаб ўртага кўримсизроқ курашчилар чиқди. Атрофдагилар менга ҳавас билан тикилишаётганидан руҳим кўтарилиб, мудроқ босса ҳам, ўйингга тикилиб ўтирибман-у, “Самадбек, ҳозир сенам чиқасан, йиқитиш приёмларини ўрганиб тур”, дейман ичимда. Бир пайт Ҳакимни чақиришди. Нимжон бўлсаям шердек олишди, бола шўрлик. Елкаси ер искамасаям, судья ютуқни шеригига берворди. Демак, бу кураш ғижимлаброқ йиқитмасанг, қутулмасакансан-да. Кейин бир қарасам, мусобақаям тугабди. Ғолибларга мақтов қоғози тутқазишяпти.

— Кетдикми жиян, курашганимиз етар, — дедим буфни осилиб ўтирган Ҳакимга.

— Шошманг, нега энди сизни чақиришмасдан... — деди у ва судьялар ўтирган томонга қараб кетди.

— Шу пайт радиокарнайи қурғур бирам ширин гапларни айтди:

— ... Диққат, ўртоқлар! Булардан ташқари гўшт комбинатидан келган 130 кило вазнли Самад Ҳамдамовни ҳам ўз вазнига лойиқ рақиб топилмагани учун туман биринчилиги ғолиби, деб топдик!...

Анави кўрпачанинг устидаги нарса — ўша мақтов қоғоз. Янаги ойгача 150 килога чиқиб олсам, вилоятдаги полвонларниям курашмасдан қочираман!

**Абдулла МАЛИКОВ**

*Сойиб Хўжаев ҳангомалари*

## СУВДАН КЎПРОҚ СОЛИНГ

Сойиб Хўжаев бир куни уйига телефон қилиб:

— Хоним, нима овқат қиляпсиз? — депти.

Хотинлари:

— Овқат қилмаяпман, — дептилар.

— Нега? — Сойиб Хўжаев ҳайрон бўлиб сўрапти.

— Биласиз, уйда гўшт йўқ, ун, гуруч тугаган, — депти.

— Ундай бўлса, мен уйга боргунча сув-ҳаводан кўпроқ солиб, турли таомлар тайёрлаб туринг, мен тезда етиб бориб, бирга сўрида ёнбошлаб овқатланамиз, — депти Сойиб Хўжаев.

## САЛОҲИДДИНДАН АЙРИЛИБ ҚОЛАМИЗ

Тўхтасин Жалолов Муқимий театрига бадиий раҳбарлик қилиб турган вақтида ўғли ғижжакчи Тўхтасинов ҳам ишлар экан. Бир куни “Нурхон” спектаклидаги Нурхоннинг севгилиси Ҳайдарнинг чиройли этиги йўқолиб қолади. Тўхтасин ака жамоани йиғиб:

— Чопон билан этикни ким олди? Айтсин! Айтмаса, билиб қолсам, оҳ-войига қарамай, милтиқни олиб чиқиб шартта отаман, — депти. Шунда Сойиб Хўжаев ялиниб:

— Илтимос, уста, отманг, — депти, йиғламсираб. Ҳамма Сойиб Хўжаев олган экан, деб ўйлаб ялт этиб унга ачиниб қарашибди.

— Айтмасанг, барибир отаман,— деди Тўхтасин ака жаҳлдан тушмай.

Сойиб Хўжаев:

— Уста, отмай қўя қолинг, — дейди.

— Йўқ, отаман.

— Унда зўр ёш ғижжакчимиз Салоҳиддин Тўхтасиновдан ажралиб қоладиган бўлдик, — дейди.

Шу пайт Салоҳиддин Тўхтасинов ўша тўн ва этикда кириб келади. Ҳамма хурсанд бўлади. Энди нима бўлади, — деб Тўхтасин акага қарашади. Тўхтасин ака лол бўлиб қолади. Вазиятдан чиқиш учун Сойиб Хўжаев:

— Уста, юринг, йўқолган нарса топилди. Иккаламиз милтиқ эмас, яримта отамиз. Мен олиб бераман, — дебди.

## НУҚУЛ ГЎШТ ЕГАН АРТИСТЛАР

Урушдан кейинги қимматчилик, гўшт танқис вақтида бир гуруҳ артистлар қишлоққа бориб келишибди. Сойиб Хўжаев:

— Қалай ўтди, виездлар? — деб сўрапти.

Улар Сойиб Хўжаев ҳавасини келтириш учун ёлғондан бири олиб, бири қўйиб мақтанишибди:

— Уста, бормай кўп нарса ютқаздингиз.

— Ҳа, нима бўлди?

—Овқатлар ниҳоятда зўр бўлди. Эрталаб гўшт, пешинда биринчисига гўшт, иккинчисига тандир кабоб, учинчисига қийма кабоб, тўртинчисига табака.

— Бешинчисига-чи?

— Бешинчисига жигар кабоб. Оҳ-оҳ сели билан.

— Эҳ-ҳе, шунча гўштли овқат еб тирик келдиларингми?

— Ҳа, тирикмиз.

— Ундай бўлса бир-бирларингнинг гўштларингни ебсан-да!

Ҳамма артистлар баравариг кулиб юборишипти.

**Ҳайдар МУҲАММАД**

## ҚУЛОҚҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

**«Китоб ўқийвериб кўзларим тешилиб кетди».**
(Талабанинг шикояти)

**«Ҳой бола, каллангни ол нарироқ, мен кинони яхши кўролмаяпман».**
(Кино залидаги суҳбатдан)

**«Биласанми, кеча ўғлимнинг қилган ишига кулавериб ўлиб қолдим».**
(Икки дугона суҳбати)

**«Қани дастурхонга қаранглар»...**
(Мезбоннинг дегани)

**«Эшитдингизми, суюнчи беринг, Шерзоднинг тили чиқибди».**
(Онанинг гапи).

**«Ўғлингиз яхши болаю, лекин танаффусда синфни бошига кўтариб чопгани ёмон-да».**
(Ўқитувчининг шикояти)

**«Ҳаммамиз бир ёқадан бошимизни чиқариб ишласак ёмон бўлмайди».**
(Бригадирнинг даъвати)

## МАШҲУРЛАР ҲАЁТИДАН ЛАТИФАЛАР

*Буюк немис шоири Гёте 80 ёшида ҳам очиқ ҳавода сайр қилишни канда қилмаган экан. Кунларнинг бирида у котиби Эккерман билан Веймар хиёбонларидан бирида айланиб юрарди. Кутилмаганда уларнинг олдидан бир соҳибжамол қиз ўтиб қолади. Шунда Гёте котибига қараб бундай дейди:*

*— Эҳ, азизим, Эккерман, қани энди шу топда 70 яшар бўлиб қолсам.*

* * *

*Марк Твен бир оқсуяк аёлни столга таклиф қилиб деди:*

*— Бугун бирам гўзаллашибсизки?*

*Аёл кулди.*

*— Сизни нима деб мақташимни билмай қолдим...*

*Твен қаҳ-қаҳ отиб жавоб қилди:*

*— Сиз ҳам менга ўхшаб ёлғон гапира қолинг хоним.*

* * *

*Американлик бир раққоса Бернард Шоу ҳақида эшитиб қолибди. Унинг ўткир ақлига ўзининг келишган қоматини тенг билиб, Шоуга турмушга чиқиш истагини билдирибди.*

*«—Жаноб Шоу, — деб бошлабди раққоса ёзувчига мактубини, — бир тасаввур қилинг-а. Туғилажак фарзандимизда сизнинг ақлингизу, менинг қоматим мужассам бўлса...»*

*Шоу раққосага шундай жавоб қайтарибди:*

*— Худо кўрсатмасин, айтганингизнинг тескариси бўлиб қолсачи? Ҳай-ҳай ўтинаман сиздан, мени тинч қўйинг...»*

* * *

*Ёш ёзувчи ўз қўлёзмасини Марк Твенга юбориб ундан маслаҳат сўради:*

*Марк Твен унга шундай жавоб ёзади:*

*— Ҳурматли жаноб. Ҳакимларнинг айтишича, ёзувчилар кўпроқ балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиши керак экан. Балиқ гўштида фосфор кўп бўлиб, миянинг яхши ишлашига ёрдам берар эмиш. Асарингизни ўқиб кўриб камида иккита кит ейишингиз керак экан деган хулосага келдим.*

* * *

*Кунлардан бир кун Альберт Эйнштейн ҳузурига мухбир келиб шундай савол берибди:*

*— Сиз хаёлингизга келган ноёб фикрларни қандай ёзиб борасиз? Бунинг учун ён дафтарча тутасизми ёки картотекалардан фойдаланасизми?*

*Эйнштейн қўлида ён дафтарча билан ёнида шай турган мухбирга қараб жавоб берибди:*

*— Азизим, ноёб фикрлар каллага ҳар доим келавермайди. Уларни ёзиб ўтирмай эслаб қолса ҳам бўлаверади.*

## ХАНДАЛАР

Аравачада ётган тўрт ойлик болакайнинг ёнида турган газеталарни кўрган бир аёл унинг онасига ҳайратланиб деди:

— Болангиз ажойиб экан, ҳалитдан газета ўқияптими?

— Жуда ошириб юбордингиз, ўғлим ҳали даҳо бўлганича йўқ, у шунчаки кроссворд ва сканвордларни ечяпти холос.

* * *

— Мен йога билан шуғулланяпман. Ҳар куни бир нуқтага уч соат термулиб ўтиравераман.

— Айнан қайси нуқтага термуласиз?

— Телевизор экранига-да.

* * *

Мактабдан келган ўғил онасига деди:

— Мен синфимиздаги энг кучли бола эканман.

— Нега бундай деяпсан?

— Ўқитувчимиз айтдилар, мен бир ўзим бутун синфни орқага тортаётган эканман.

* * *

— Улар узоқ вақт дўстлашишди, лекин турмуш қуришмади.

— Нима учун?

— Йигит ичиб келганда қиз турмушга чиқишни хоҳламади, йигит ҳушёр пайтида қизга уйланишни.

* * *

— Ҳа, пиёниста, эгнингдаги янги пўстининг қани, сотиб пулига ичдингми, дейман.

— Нега сотиб ичарканман, шунчаки йўқотиб қўйдим.

— Унда қўлингдаги шиша қаёқдан келди?

— Топиб олдим...




Изоҳга ҳожат йўқ.
Абдурасул Ҳакимов чизган расм.

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...

● Инсон ўз эҳсони билан зикр қилинади ва яхшилиги билан тилда номи ёдланади.

● Ҳикоят: ҳикмат кўчасини кўп кезган тўғри йўл кўрсатувчи бир ҳаким айтди:

— Душманнинг мулойим савол-жавобидан уни тинч ва сокин деб ўйлама. Унинг олдида ҳар хил беҳуда сўзларни тилга олма.

● Емоқ яшаш учундир, яшаш эса емоқ ва ўзини ғафлатга солиш учун эмас.

●Ҳикоят: бир доно кишидан фойдали панду ҳикмат эшитган эдим. У айтган эди: «Оқил киши билмоғи керакки, масалан, ит қассобнинг михида ширин гўшт осиғлиқ турганини кўрса ҳам таъма ипини узиб гўштга ташланишдан ўзини тияди.

**Кўнгил хоҳишга**
**етмоқ ёқимли,**
**Бироқ оқибатини**
**ўйлаш ҳам яхши.**

Демак, тўғри йўл шуки, таъмани йўқ қилиб, ит каби қаноат йўлини тутиш керак ва хирс йўлидан парҳез қилмоқ лозим».

● Дунё кишиларга яхшилик қилиш, топганини йиғиш учун эмас, ўзгаларга бериш учундир.

**Насиҳат тарзида шоҳ**
**Ардашернинг,**
**Қабрига ёзилмиш**
**шундайин ҳикмат:**
**«Мардлигу зўр билан**
**олдик жаҳонни,**
**Гўрга олиб кета**
**олмадик фақат».**

● Кимки яхшиликни касб қилишга интилса, яхши мақтовларга сазовор бўлади.

Айтди: қанчалик куч-қувватга эга бўлмагин, душман билан доимо тинчлик йўлини ихтиёр қил.

Айтди: агар дўст сендан насиҳатини аяса, айтиш зарур бўлган нарсани айтишда мужмаллик кўрсатса, айбларидан сени огоҳ қилмаса, бундай дўст алоқани узиш ва ундан узоқлашишга сазовордир.

● Мулойимлик қуввати билан ғазаб оловини сўндиролган киши ҳақиқий мақтов ва олқишга лойиқдир.

● Ғазаб ўт олганда мулойимлик кўрсата олиш ва ғурурини синдира олиш ақлли кишиларнинг саломатлиги ва омонлиги боисидир.

● Уч нарса уч нарса билан бирга бўлмайди: очкўзлик билан ҳалоллик, ғазаб билан меҳрибонлик, лақмалик билан ростгўйлик.

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги 173-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1985 йили Фурқат Каримжанович Икрамов номига берилган № 738132 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги томонидан 2004 йил 1 ноябрда (р/р 1707/04) «Axravsavdo» хусусий корхонасига берилган ХШ № 014092 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## ОҚИБАТ КЎТАРИЛМАСИН

Айниқса қариганингда кўнглинг нозиклашиб қоларкан. Бир оғиз ширин сўздан тоғдек кўтарилиб, биргина ёқимсиз гапдан дилинг хира тортаркан.

Қаричилик. Бошим ёстиққа тегиб уч-тўрт кун бетоб ётиб қолдим. Кўча одами ёстиққа михланиб қолса ёмонда, дарҳол зерикади. Шундай кезларда бирор ҳамдард истаб қоласан. Минг шукрки, қариндош-уруғлар, узоқ-яқинлар ёлғизлатмай келиб-кетиб туришди. Олдимда болалар, набиралар бор. Лекин уларнинг ўрни бўлак экан. Кўпроқ тенгқур дўстларим, энг яқин сирдош, суҳбатдош, қадрдонларимни қўмсайман, улар бирма-бир кўз ўнгимдан ўтаверарди.

Одам тафтини одам олади деганлари, рост-да. Шундай қадрдонларингдан бири эшикда кўриниши ёки ҳовлида овози эшитилиши билан бирдан енгил тортгандек бўласан, касаллигингни унутасан. Улар билан вақтинг қандай ўтганини билмай қоласан.

Тунов куни Мустақиллик байрами муносабати билан маҳалла оқсоқоли бошлиқ бир гуруҳ тенгқурларим йўқлаб келишди. Қувонганимдан ўрнимдан туриб кетибман. Болалар ҳай-ҳайлашиб жойимга ўтказиб қўйишди. Суҳбатимиз бир қизиди, бир қизиди. Алла-паллагача гурунглашиб ўтирдик. Охирида оқсоқолимиз қўлимга каттагина хатжилд тутқазди.

— Мана бунинг ичида қариялар сиҳатгоҳига иккита йўлланма бор. Кампирингиз билан Товоқсой сиҳатгоҳига бориб 18 кун дам олиб соғлиғингизни тиклаб келасиз.

Очиғи, маҳалладошларимнинг бу меҳр-оқибатидан кўзимга ёш келди. Нима дейишимни билмай бир зум каловланиб туриб қолдим. Оқсоқол қучоқлаб юзимдан ўпди.

— Тезроқ соғайиб сафимизга қайтинг. Ҳали сиз билан қиладиган ишларимиз кўп, — деди.

Келганларнинг ҳаммалари мен билан бирма-бир хайрлашиб чиқиб кетишди.

— Отаси, — деди кампирим меҳмонларни кузатиб қайтгач, — қаранг қандоқ оқибатли маҳалладошларимиз бор. Шундайлар бор экан, ҳеч бир инсон ёлғизланиб қолмайди.

Ҳа, айниқса қариганингда дўстларинг, яқинларингнинг ширин сўзи ва меҳрига чанқоқ бўлиб қоларкансан. Шу куни кампирим билан яна бир бор, одамлар орасидан оқибат кўтарилмасин, — дея дуога қўл очдик.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ЎЙНАБ ГАПИРСАНГ ҲАМ...

Меҳр-оқибат ҳақида кўп гапирамизу, баъзан билиб-билмай бировлар устидан шошилинч хулоса чиқариб меҳр-оқибатни унутгандек бўламиз. Кейин эса воқеанинг тубига етиб нотўғри фикрлаганимиздан хижолат тортиб, анчагача ўзимизни кечиролмай юрамиз. Яқинда бир дўстимиз ҳикоя қилиб берган қуйидаги воқеа айнан шунинг мисоли.

—Собиржон бугун яна ишга келмади.

— Менга қаранг, сиз ўзи кимсиз, бригадирмисиз ё... Наҳотки илғор қурувчингиз уч кундан бери ишга келмайдию, сабабини суриштирмайсиз, хабар олмайсиз?

— Нима бўларди, яна ичгандирда.

Ўзини оқлаш ниятида айтилган бу гап бошлиқнинг баттар ғазабини қўзитди.

— Одамлар ҳақида ўйламай-нетмай ҳукм чиқариш яхши эмас ўртоқ Холбоев. Хўш, ўзингиз ичмайсизми?

— Ҳа энди унда-бунда... Меҳмонда, —чайналди Кимсанбой.

— Менимча Собиржон ҳам унда-бунда, меҳмонда ичса керак. Ё у ичкиликка муккасидан кетганми?

— Йўқ, Собиржон ундайлардан эмас, бир овоз билан Собиржонни ёқлашди ҳамкасблари. Кимсанбойнинг боши эгилди.

Шу иш чакки бўлди-да, ўйларди у ҳозир. Суриштирмай, нетмай туриб кўпчилик олдида бегуноҳ бир инсоннинг юзини қора қилмоқчи бўлдим. Агар қулоғига етиб қолса борми? Ҳар қалай эски қадрдон эдик, яхши бўлмайди. Қолаверса мени ишга олиб келган ҳам шу Собиржон эдику...

Кимсанбойнинг қўнимсиз вақтлари эди. Шундай кунларнинг бирида ён қўшниси илғор қурувчи Собиржон у билан суҳбатлашиб қолди. Сўнг шундай деди:

— Бўпти, эртадан бошлаб мен билан бирга ишлайсиз.

Ўша кундан бошлаб улар ёнма-ён меҳнат қилишди. Собиржон дўстига қурувчиликнинг барча сир-асрорларини ўргатди. Кимсанбой бир нави ишлаб юрди. Кейинчалик ичкиликка берилди. Жамоа уни ишдан четлатмоқчи бўлганида ҳам Собиржон қаттиқ турди. Ўзини кафилликка қўйиб, дўстини ишда олиб қолди. Бора-бора Кимсанбой ҳам Собиржон таъсирида илғорлар сафига чиқиб олди. Бригадирликка кўтарилишда ҳам унинг номзодини биринчи бўлиб кўрсатган ана шу Собиржон эди.

Ҳаёт қизиқ эканда. Баъзан омадинг юришмай қоларкан. Собиржон ҳам ана шундай бўлди. Етимликда ўсди, рўзғор тутиб уйланди. Бунинг устига хотини туғмади. Ўн йил чидади. Ниҳоят бир ой илгари хотини билан ажралишди. Шуни била туриб Кимсанбой ундан ҳол-аҳвол сўраш, оғир вақтида дўстига ёрдам қўлини чўзиш ўрнига асоссиз уни айбдор қилмоқчи бўлди.

Кимсанбой тушликни насия қилиб эски «Запорожец» машинасига ўтириб, Собиржоннинг уйи томон тариллатиб ҳайдаб кетди. Уни қўшни хотин Саври хола кутиб олди.

— Вой бор бўлгур ўғлим-ей, дом олиб кўчиб кетганингдан бери қўшниларингдан ҳам хабар олай демайсана? Ҳай ўғлим, Собиржонга нима бўлди? Уч кундан бери уйга келмайди. Шу бугун суриштириб сенинг олдингга бормоқчи эди.

Қидир-қидир бошланди. Кейин билишса, Собиржон йўлда юрак хуружига учраб касалхонага тушиб қолган экан.

— Яшангларей, — деди уни кутиб олган кексароқ бир шифокор кесатиқ билан. — Наҳот бир инсон оғир аҳволда ётсаю сўраб-суриштирмасанглар. Биз хабар қилайлик десак беҳуш ётибди. Бунинг устига ёнида ҳеч қандай ҳужжати йўқ экан.

Касалхонанинг реанимация бўлимида ранглари докадек оқариб, кўзлари синиқиб кетган Собиржон беҳол ётарди. Шифокорларнинг сурункали муолажасими ёки яқинларининг ёқимли овози таъсириданми, у аста кўзини очди. Олдин Саври холага, кейин Кимсанбойга узоқ тикилди. Хола чидаб туролмади. Шифокорлар уни қўярда-қўймай ташқарига олиб чиқиб кетишди. Кимсанбой дўсти ёнига тиз чўкди. Собиржон мамнунлик билан унинг қўлларини силади...

Қиссадан қандай хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола, азизлар.

## МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

### 3 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

**Бугунги кунни ойнинг ёқимли кунларидан бири сифатида таърифлашади. Шунинг учун ҳамма нарсада ва ҳар ишда уйғунлик ва ҳамоҳангликка интилиш керак бўлади. Жанжаллашиш, бирон баҳона билан тўполон кўтариш, жаҳлга эрк бериш, шошқалоқликка йўл қўйиш мақбул эмас. Кечкурун шам нурида хаёлларга чўмиш, эзгуликлар ҳақида ўйлаб, ойлик режалар тузиш фойдали. Уйларни кўтариб, исириқ тутатиб чиқиш ҳам ўринли бўлади.**

Ишларда барқарор муваффақиятга эришай десангиз, сабр-қаноатли бўлинг. Лекин таваккалчиликка йўл қўйманг, вақтингизни зое кетказманг, унинг ўрнига ишдаги ҳар бир танаффусдан бошқа амаллар ва топшириқларни бажаришда фойдаланишга ҳаракат қилинг. Бу – қуёш тақвимининг 17-куни учун энг матлуб тактик ҳаракат бўлади.

Ишга ёндашувингизнинг асослилиги, юқори нуфузи ва жиддийлиги келгуси омадларингизга яхши пойдевор бўлади. Сабот ва матонат сайёраси Сатурннинг Арслон — яъни "шоҳлар" буржининг 7-даражасида бўлиши шунга ишора қилади.

Қуёш кўтарилганидан кейин кўрилган тушлар башоратли ҳисобланади.

**БУГУН:**

— янги ишларни бошлаш;

— иш ва ўқиш жойларини ўзгартириш;

— математик ва тижорат қобилиятларни намоён этиш;

— бўш вақтингизни безайдиган, аудиотехника, сайёҳлик анжомлари ва бошқа товарларни харид қилиш;

— янги танишлар орттириш ва амалий алоқалар ўрнатиш;

— бахтли тасодифга умид қилиш.

Сизга таъсир ўтказа оладиган раҳбарлар ва бошқа кишилар билан учрашманг – бугун бу таъсир салбий бўлиши мумкин. Илмий фаолият, ақлий меҳнат билан бугунча шуғулланмаганингиз маъқул.

### 4 СЕНТЯБРЬ, ЯКШАНБА

**Янги ой янги ишларга фаол киришиш имкониятларини очиб беради. Янги ижодий ғоялар ҳам жўш уриши турган гап ва улар ҳам рўёбга чиқиши аниқ. Рўзғор ишлари тажрибаси томорқада етиштирилган мева ва сабзавотларни якшанба куни йиғиб олишга даъват этади.**

Бугунги кун сартарошхона, гўзаллик салони, қисқа муддатли ва тезда долзарблигини йўқотадиган ишлар, сайёҳлик, савдо-сотиқ, уруғ сепиш, кўчат ўтқазиш учун қулай бўлади. Олов ва темир билан боғлиқ ишлар яхши самара бермайди.

Қуёш осмонга кўтарилганидан кейин кўрилган тушлар, шунингдек, тушда овозлар эшитилса – улар башоратли бўлади.

**ЯКШАНБАДА:**

— хизмат сафари ёки саёҳатларга йўл олиш;

— ўқиш, имтиҳон топшириш, турли танловларда қатнашиш;

— аниқлик ва ғайраттталаб ишлар билан машғул бўлиш;

— фаол ҳаётий нуқтаи-назарга эга бўлиш;

— бирор қарорга келишдан олдин мушоҳада юритиш.

Қонун ва қоидаларни бузиш, шахсий ва оилавий юмушларга кўп вақтни сарфлашдан ўзингизни тийинг.

### 5 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

**Мунажжим Л. Неведомская фикрича, Зуҳро юлдузи ва Плутон қувватлари бирлашишининг ўзаро ижобий таъсири натижасида тушдан кейинги харидлар ва молиявий тадбирлар омадли бўлиши кутилади.**

Бугунги куннинг рамзи ташланишга ҳозирланаётган қоплон бўлиб, у ҳар қандай муҳим иш ҳамиша ҳам жисмоний, ҳам руҳий яхши тайёргарликни талаб қилишини билдиради.

Буйракларингиз ва белингизни асранг. Спиртли ичимликлардан эҳтиёт бўлинг. Пешоб йўллари хасталикларга мойил бўлади. Танангиз ҳаддан зиёд совуб кетишига йўл қўйманг.

Ёрқин ва кўзга ташланиб турадиган кийимлар кунингиз омадли ўтишига ёрдам беради. Жигарранг ва қора либослардан нарироқ бўлинг.

**БУГУН:**

— кундалик ишларни давом эттириш;

— энг енгил ва ёқимли муаммоларни ечиш билан шуғулланиш;

— ташқи кўринишингизга эътибор қилиш;

— ҳушмуомала бўлиб, холис фикр юритиш;

— танишларингиз, ҳатто бутунлай бегона кишиларга яхши маслаҳатингиз ёки амалий ёрдамингизни аямаслик.

Ножўя ишлар қилиш, уришиш, жанжаллашиш, ҳатто арзимаган можароларга ҳам қатнашишдан, оғир жисмоний ва мураккаб ақлий меҳнат билан шуғулланишдан ўзингизни асранг.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-809.

1 2 3 4 6